

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ФЕРУЗА БАХТИЁРОВА

**ҚИЗИЛОЛМАСОЙ ОЛТИН-КУМУШ МАЪДАНЛИ МАЙДОНИ
ПЛУТОНИК ДАЙКАЛАРИНИ ПЕТРОЛОГИЯСИ
(ОЛМАЛИҚ-АНГРЕН ТОҒ-МАЪДАНЛИ ХУДУДИ)**

04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каримова Феруза Бахтияровна Қизилолмасой олтин-кумуш маъданли майдони плутоник дайкаларини петрологияси (Олмалиқ-Ангрен тоғ маъданли худуди).....	3
Каримова Феруза Бахтияровна Петрология плутонических даек золото-серебряных месторождений Кызылалмасайского рудного поля (Алмалык-Ангренский горнорудный район).....	23
Karimova Feruza Baxtiyorovna Petrology of plutonic dikes of gold-silver deposits of the Kyzylalmasai ore field (Almalyk Angren mining area)	43
Эълон қилинган ишлар рўйҳати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ФЕРУЗА БАХТИЁРОВА

**ҚИЗИЛОЛМАСОЙ ОЛТИН-КУМУШ МАЪДАНЛИ МАЙДОНИ
ПЛУТОНИК ДАЙКАЛАРИНИ ПЕТРОЛОГИЯСИ
(ОЛМАЛИҚ-АНГРЕН ТОҒ-МАЪДАНЛИ ХУДУДИ)**

04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/GM7 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Геология ва геофизика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзиллари жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахунджанов Раҳмаджан
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Конеев Рустам Исмаилович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Юсупов Рустам Гумирович
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

**«Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси»
давлат корхонасилик ТМК таркибидаги «Радавлат**

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а).

Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.К. Турапов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р. Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

Х.А. Акбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида олтин-кумуш конлари вулканизм, асосан субвулканик, эксплозив ва дайка хосилалари билан парагенетик боғланган эди. Дайкалар бўйича олинган илмий тадқиқот натижалар бир қатор геология, петрология ва маъданлашувни масалаларини ечишга имконият яратиб беради. Шунинг билан биргаликда асл металл конларининг ҳосил бўлишидаги плутоник дайкаларини аҳамиятини аниқлаш асосий меъзонлардан биридир. Петрологик тадқиқотларнинг ҳозирги замон услубияти фундаментал йўналишдаги плутоник дайкаларни маъданлашув шаклланишидаги аҳамиятини чуқурроқ асослашни талаб этмоқда.

Бугунги кунда дунё миқёсида дайкаларни ўрганиш магматик формацияларни ёши бўйича ажратишда маъданлашувнинг интрузиялар билан боғлиқлигини ва эндоген конларнинг жойлашувидаги қонуниятларни аниқлашда айниқса муҳим. Дайкаларни ва улардаги ксенолитларни тадқиқ қилиш орқали турли таркибдаги дастлабки магма суюқлигининг ҳосил бўлиш вақти ва жойи; маъданли моддаларнинг манбалари ва йирик конларга тўпланиш геологик муҳитни; юқори мантия, пастки ва устки қобик таркиби, турли сатҳларининг тузилиши тўғрисида моддий далиллар олиш мумкин. Майда интрузиялар, дайка қамбарлари ва металл тўпланишининг литосфера чуқурлик тузилиши билан ўзаро алоқадорлиги масалаларини ечиш ҳозирги давр фундаментал геологик тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда минерал ҳомашёлар билан узликсиз таъминлашга йўналтирилган илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва олинган аниқ ва кенг қамровли натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича муайян ишлар олиб борилди. Жумладан, маъданли қазилмалар билан бир қаторда минерал ҳомашёларини бошқа самарали фойдаланишга, уларнинг захираларини кўпайтиришга ва қўллаш соҳаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Қизилолмасой олтин-кумуш маъданли майдони плутоник дайкаларини петрологик хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сон, 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ- 3004-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дайкалар, дайкали далалар ва камбарларни ўрганиш Ўрта Осиё, Қозоғистон, Байкалорти, Приморье ва бошқа минтақаларда геология, петрология ва маъдан ҳосил бўлишнинг бир қатор муҳим масалаларини ечишга имкон яратди (Ҳ.М. Абдуллаев, И.Ҳ. Ҳамробоев, Ф.А. Усмонов, Ф.К. Шипулин, М.Б. Бородаевская, Н.И. Бородаевский, О.С. Полквой, О.П. Горьковой, С.В. Ефремова, Л.Н. Индолев, В.И. Коваленко, Н.И. Коваленко, В.И. Айзенштат, Д. Матчанов, А.М. Мусаев, О.Қ. Қўшмуродов, Г.К. Климов, Г.Т. Тожибоев, Ю. Мамажонов, Б.Я. Клипенштейн, И.В. Левченко, А.Т. Бендик, Х.Р. Раҳматуллаев, Р.Г. Юсупов, Р. Охунжонов, Ф.К. Диваев, Р.Т. Долимов, К.Т. Турсунов, Я.М. Рафиқов, Х.Д. Ишбоев, И.Н. Ғаниев, У.Д. Мамарозиқов ва б.).

Чотқол-Курама тоғлари магматизмидаги «иссиқ нуқталар» аҳамияти ҳақидаги янги қарашлар (Т.Н. Далимов) эндоген фойдали қазилма конларининг шаклланиши ва жойлашувидаги қонуниятларни аниқлашдаги муаммоларга янгича ёндошувга, асл, қора, рангли ва нодир металлларнинг қазиб олинаётган ва разведка қилинаётган чуқур горизонтларини башоратлаш, қидириш ва баҳолашнинг амалий вазифаларини ечишга имкон беради.

Ер қаърида магматизм намоён бўлиши ва маъдан ҳосил бўлиш қонуниятини очишга, анъанавий петрологик-металлогеник тадқиқотлар усуллари билан бир қаторда, янги тез ривожланаётган тоғ жинслари, минераллар, суюқлик ва флюид қўшимчаларини таркибини аниқлаш локал усуллари, кенгайиб бораётган изотоп анализлари тўплами, доим мукамаллашиб келаётган статистик таҳлил, математик моделлаш амаллари ҳамда дунё маълумотлар базасига кенг кириб бориши орқали имкон яратилган. Бу магматизм ва маъдан ҳосил бўлиш муносабатларини аниқлашдаги фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг мутлақо янги имкониятларини очиб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геология ва геофизика институти илмий-тадқиқот иш режасининг ФА-А13-Т116 «Чотқол тизмасининг Жанубий-Ғарбий тармоқларидаги (Ўрта Тиён-Шон) олтин-кумуш маъданлашувини чуқурликка башоратлаш ва баҳолаш петрогенетик омиллари (Ўрта Тиён-Шон)» (2015-2017 йй.), ФА-Ф8-Т004 «Ўзбекистоннинг магматик формациялари ва улар билан боғлиқ маъданлашувнинг ҳосил бўлиш қонуниятлари» (2012-2016 йй.) ва ФА-Ф8-003 «Ўзбекистоннинг мантиявий магматизми ассоциациялари петрогенезиси ва маъдандорлиги» (2017-2020 йй) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Чотқол тизмаси жанубий-ғарбий тармоқларидаги Қизилолмасой маъдан даласи плутоник дайқа ҳосилаларини геологик-петрографик, петрохимёвий ва геохимёвий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қизилолмасой маъдан даласидаги олтин-кумуш конлари плутоник дайқа ҳосилаларини тизимлаш ва асосий петрографик турларини аниқлаш;

плутоник дайқаларнинг геологияси, петрографияси ва келиб чиқишини аниқлаш;

лампрофир магматизмининг олтин-кумушли маъданлашувнинг истиқболлигини петрологик-геокимёвий мезонларини ишлаб чиқиш;

дайқаларни Қизилолмасой маъдан даласи конларининг ёнлари ва чуқур горизонтларида олтин, кумуш ва уларга йўлдош бўлган маъданлашувини башоратлашдаги индикаторлик аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти – Қизилолмасой маъдан даласи олтин-кумуш конларининг ер юзасида ва тоғ лаҳимлари билан очилган магматик ҳосилалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – Қизилолмасой маъдан даласи плутоник дайқа ҳосилалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дайқаларни тафсилий геологик, петрографик, минералогик ва геокимёвий ўрганиш; асл, нодир, айникса, нодир-ер элементлари ва учувчи компонентлар микдорини масс-спектрометрик, нейтрон-активацион усулларда аниқлаш; жинс ҳосил қилувчи, акцессор ва маъданли минераллар, вулконик шиша ва флюид ажратмаларининг кимёвий таркибини микроанализаторда аниқлаш; олтин-кумуш маъданлашувга башоратлашнинг петрологик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

илк бор Қизилолмасой маъдан даласи олтин-кумуш конларида лампрофирлар (камptonитлар, одинитлар, керсантитлар) ассоциацияси аниқланган;

биринчи бор Қизилолмасой маъдан даласи плутоник дайқа ҳосилаларининг геологик-петрографик, петрокимёвий ва геокимёвий хусусиятлари аниқланган;

Қизилолмасой маъдан даласини лампрофир магматизмини маъдандорлигининг петрологик-геокимёвий мезонлари ишлаб чиқилган;

плутоник дайқаларнинг олтин-кумуш маъданлашувини чуқурликга башорат қилишнинг индикатори эканлиги аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

олтин-кумушли маъданлашув билан бирга учувчи дайқаларни лампрофирлар (камptonитлар, одинитлар, керсантитлар), сиенит-порфирлар, онгориолитлар асосли турлари ажратилган;

олтин-кумушли маъданлашув шаклланишида керсантит (слюдали лампрофир)-сиенит-порфир-онгориолит дайқалар мажмуаси муҳим рол ўйнаганлигини аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган конлардаги дайқаларининг геологик, петрографик, петрокимёвий ва геокимёвий тадқиқотлари, бурғи қудуклари, шаффоф шлифлар (300 та), аншлифлар (100 та), тадқиқотларнинг анъанавий ва замонавий усулларида фойдаланган микроскоп, микроанализатор (барча дайқа туркумларининг жинс ҳосил қилувчи, акцессор ва маъданли минераллар таркиби (IXA-88Rh «Jeol» - 400 ан.)), кимёвий (30), масс-

спектрометрик (75) таҳлиллар, график редакторлар ҳамда махсус петрологик компьютер дастурларида қайта ишланган материаллар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган плутоник дайқа ҳосилаларининг геологик-петрографик, петрокимёвий ва геокимёвий хусусиятлари бўйича Қизилолмасой маъданли даласида маъданлашувни чуқурликга башорат қилишда ва Чотқол-Қурама минтақаси истиқболли майдонларида қидирув ишларида магматик қидирув омиллари сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Шарқий Ўзбекистон худудининг олтин, кумуш, нодир, нодир-ер ва бошқа металлларга маъдандорлиги бўйича илмий-техник лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бажаришда назарий асос бўлади. Чотқол тизмаси Жанубий-Ғарбий тармоқларининг Қизилолмасой маъдан даласи металлогеник ихтисослашувда дайқалар, магматоген флюид-эксплозив ҳосилаларининг башорат-қидирув роли бўйича олинган натижалар Давлат геология қўмитаси экспедицияларида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилолмасой олтин-кумуш маъданли майдони плутоник дайқаларини петрологиясини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

камптонит, одинит, керсантит, сиенит-порфир ва онгориолит дайқалари олтин-кумуш маъданлашувга индикаторлиги «Шарқий Ўзбекистон геологик тасвирлаш излаш экспедицияси» ДК объектларида жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 мартдаги 04/05спр-сон маълумотномаси). Натижада Қизилолмасой маъданли майдонни конларининг чуқур қисмларида ва флангларида геологик-қидирув ва разведка ишларини самарали олиб бориш имконини берган;

Қизилолмасой олтин-кумуш маъданли майдонидаги дайқа ҳосилаларида аниқланган геологик-петрографик, петрокимёвий ва минералогик-геокимёвий хусусиятлар «Шарқий Ўзбекистон геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси» ДК объектларида жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 мартдаги 04/05спр-сон маълумотномаси). Натижада геологик қидирув ишларини олиб боришда петрографик ва минералогик-геокимёвий омилларни ажратиш имконини берган;

Қизилолмасой маъданли майдонида аниқланган плутоник дайқаларининг олтин-кумуш маъданлашувини чуқурликка башорат қилишнинг индикаторлиги «Шарқий Ўзбекистон геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси» ДК объектларида жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 мартдаги 04/05спр-сон маълумотномаси). Натижада ҳали қидирув-разведка ишлари билан қопланмаган конларнинг маъдан таналарини сезиларли чуқурликка давом этишини башорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан бири коллектив монография, қолгани Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва талабдорлиги, мақсад ва вазифалари асосланган, унинг объекти ва предмети белгиланган, республика фани ва технологияларини ривожлантиришдаги устивор йўналишларга мос келиши кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши очиб берилган, илмий ишларнинг чоп этилганлиги ва диссертациянинг структураси кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Дайкалар ва улар билан маъданлашув боғлиқлиги муаммосининг ўрганилганлик ҳолати**» номли биринчи боби Чотқол-Қурама минтақасидаги дайка ҳосилаларини текширилганлигига бағишланган, бу минтақа геологик томондан ҳам, петрографик томондан ҳам яхши ўрганилган объект саналиши ҳақида хулоса қилинган. Минтақавий, қидирув, разведка ва геологик суратга олиш ишлари комплекси бажарилган бўлиб, улар дайкаларнинг биринчи генетик таснифини тузишга имкон берди (Ҳ.М. Абдуллаев, Ф.Ш. Ражабов, И.Ҳ. Ҳамробоев), уларнинг йирик интрузивлар, вулканик жараёнлар ва эндоген маъданли конлари шаклланиши билан боғлиқлиги тахмин қилинган. Геологик адабиётларда нисбатан анча илгари муҳим геологик, айниқса, дайка ҳосилалари туркумлари ажратишга ва уларнинг маъдан ҳосил бўлишидаги аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилинган.

Дайкаларни генетик тизимлаш анча мураккаб ва сушт ишлаб чиқилган муаммо саналади. Отқинди жинсларнинг мавжуд таснифида асосан магматик ҳосилаларининг моддий таркиби ва структуравий-текстуравий хусусиятлари эътиборга олинган. Баъзи петрографларнинг дайкаларни ташкил этувчи минерал агрегатлари ёки уларнинг метаморфизми бўйича дайка ҳосилаларини тизимлашга уринишга келсак, унда бу белгилар қандайдир мустақил аҳамиятга эга бўлиши мумкин эмас дейиш мумкин. Улардан фақат петрографик ва бошқа таснифларда қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, мавжуд таснифларга (асосан, петрографик ва морфологик белгилар бўйича) қарамасдан, дайкалар ҳосил бўлишини ва уларнинг магматик жараёнлардаги ўрни ва минтақаларнинг геологик ривожланиш тарихини кўзда тутувчи генетик тасниф бўлиши лозим.

Дайкаларнинг генетик турли-туманлиги уларнинг ҳосил бўлишида интрузив, эффузив, постмагматик, метаморфик ва эндоген жараёнларнинг

катнашуви билан боғлиқ. Шу дайкалар билан бир қаторда ўлчамлари кичик ва интрузиялар шаклидаги дайкалар ҳолидаги мустақил магматик ҳосилалар бўлиши мумкин. Демак, дайкалар ҳосил бўлиш шароитлари бўйича интрузиялар ёки эффузивларга қараганда анча турли-тумандир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай систематика дайка ҳосилалари ва уларнинг шаклланишида иштирок этувчи жараёнлар турли-туманлигини акс эттириши лозим. Дайка ҳосилаларининг намоён бўлиш характери у-ёки бу минтақаларнинг геологик-тарихий ривожланиши давомида ўзгаради. Дайкалар ҳосил бўлиш шароитлари бўйича интрузив фаолиятнинг (батолитли босқич ва майда интрузиялар босқичи) ва вулканик жараёнларнинг бош босқичига нисбатан макон ва замонда ўзини турлича тутади. Шунинг учун уларнинг орасида у-ёки бу геологик жараёнларда катнашиш характери бўйича бир қанча катта гуруҳлар, уларнинг ичида синфлар ва генетик туркумлари ажратилиши лозим. Шу материаллар бўйича Ҳ.М. Абдуллаев (1957) томонидан генетик тасниф тузилган бўлиб, у бугунги кунда барча олимлар томонидан қабул қилинган. У магматик, метасоматик ва чўкинди дайкаларни ажратган.

Чотқол-Қурама минтақасида магманинг дастлабки таркиби ва магма ўчоғининг ҳолати масалалари муҳокамасида баъзи тадқиқотчилар базальт таркибли узоқ яшовчи ягона пўстлок магма ўчоғи (К.Н. Вендланд, И.В. Дюгаев ва б.) эволюцияси маҳсулотлари деб ҳисоблашади. Бошқалари эса бошланғич гранитли магманинг (Н.П. Васильковский, И.М. Исамухамедов, А.В. Королёв ва б.) контаминациясини кўзда тутади. Кўпчилик тадқиқотчилар мустақил гранит ва базальт магма ўчоқлари мавжудлигини тан олишади (Х.М. Абдуллаев, О.П. Горьковой, Б.Н. Наследов, Ф.Ш. Ражабов ва б.).

Кўп сонли қўлёмалар ва чоп этилган ишлар бўйича дайкалар шаклланиши, генезиси ва геологик ўрни бўйича турли-тумандир. Айниқса дайкаларнинг маъданлашув билан ўзаро муносабати масаласи бахсли саналади. Масалан, баъзи тадқиқотчилар (В.Э. Поярков, 1957; А.В. Королёв, 1965 ва б.) барча дайка ҳосилалари томаъданли деб ҳисобласа, бошқалари (Б.Н. Наследов, 1935, 1961; Ҳ.М. Абдуллаев, 1957; А.К. Қаххаров, 1958; Д.С. Коржинский, 1962; О.П. Горьковой, 1964 ва б.) ҳам томаъданли, ҳам постмаъданли дайкалар мавжуд деб билишади.

Ҳ.М. Абдуллаев (1954, 1957), Ф.А. Усмонов (1962), Ф.К. Шипулин (1968), Д. Матчанов (1983) майда интрузиялар дайкаларини шакли бўйича плутоник дайкалар деб аташни таклиф этишган. Улар учун бурмали вилоятлар ривожланишининг яқунловчи босқичида ҳосил бўлиши; кўп фазалиги ва фазаларнинг таркибий яқинлиги; дайкали шакли; тоғ жинсларининг гипабиссал тусмоли; порфирли структураси; уларнинг кўп фазали асослидан нордон таркиблигача эритмадан (кристалл + суюқлик) ҳосил бўлиши, кремнезем ва ишқорлар билан тўйинганлиги; олдинги эффузивлар ва асосли таркибли ёшроқ дайкалар билан бирга учраши; асосан олтин ва полиметалли маъданлашув билан парагенетик алоқаси характерли.

Перм ёшидаги диабазалар, долеритлар, диоритли порфиритлар, сиенит-порфирлар, кварцли сиенит-порфирлар, риолит-порфирлардан иборат оддий ва мураккаб дайкалар Чильтен сериясига ёки «қизилнура туркумидаги» дайкалар

комплексига бирлаштирилади ва порфирли габбро-сиенит каторидаги мустақил майда интрузияларга киради. Бу дайкалар ривожланишида Чорух-Дайрон, Бобойоб, Шовоз, Кассан қамбарлари (ёйлари) (В.Я. Клипенштейн ва б., 1979; Рудоносность..., 1985). Чотқол тизмаси Жанубий-Ғарбий этакларида (Ангрен дарёсининг ўнг бети) улар фақат шимолий-шарқий, ғарб-шимолий-ғарбий ва кенглик йўналишлардаги дайкалар шаклида ривожланган. Бу районнинг металлогеник ихтисослашуви (олтин, уран, мис, кўрғошин, рух, қалай, литий, флюорит) майда интрузияларнинг маъданли петротиплари жойлашган Қорамозор ва Муғултовдагига ўхшаш. Шунинг учун тахмин этилаётган майда интрузияларнинг дайка шакли улар билан маъданлашувнинг генетик алоқаси истесно этилмайди.

Олдин ўтказилган тадқиқотлар майда интрузиялар ва дайкаларнинг дастлабки генетик таснифи яратилишига (Х.М. Абдуллаев, Ф.Ш. Ражабов, И.Х. Ҳамробоев), уларнинг йирик плутонлар, вулкан отилиши ва маъдан намоён бўлиши билан алоқасини тахмин қилишга имкон берди. Шу билан бизнинг майда интрузиялар ва дайкалар ҳақидаги билимларимиз чегараланган. Ҳозиргача улар эритмалари ўчоғининг генерация шароитлари, ёриб кириш механизми ва ер пўстининг устки ярусларига кириб бориши, петрогенезис ва металлогениянинг умумий жараёнида майда интрузиялар ва дайкаларнинг ўрни, ер пўстида магматизм эволюцияси ва ривожланиши номаълум бўлиб қолмоқда.

Иккинчи боб «**Қизилолмасой маъдан даласи конларининг геологик жойланиши**» деб номланади. Қизилолмасой маъдан даласи Чотқол тизмасининг Жанубий-Ғарбий этакларида, Ангрен дарёсининг ўнг бетида жойлашган. Субкенгликдаги полиген Шовоз-Дукент вулкан-тектоник грабенининг субмеридионал Дукент-Гўшсой минтақавий ер ёриғи зонаси билан кесишган тугунида жойлашган. Маъдан даласи уни тишқил этувчи Шимолий-Ғарбий, Қизилолма, Междуречье, Самарчук, Чумаук конлари ва бир қатор маъдан нишонларидан иборат бўлиб, улар 50 йилдан ортиқ вақт давомида ўрганилаётир. Ҳозирги кунгача тўпланган геологик, геофизик, структуравий-тектоник, петрографик, минералогик ва геохимёвий материаллар кўп сонли монографиялар, мақолалар, илмий-тематик ишланмаларда ва диссертация ишларида ёритилган (М.О. Сулейманов, Н.Ф. Рафиқов, А.Е. Антонов, Я.М. Рафиқов, А.А. Кременецкий, Ф.И. Исломов, В.А. Арапов, Р.И. Конеев, М.М. Пирназаров, Э.Э. Игамбердиев, А.З. Умаров, Б.Ф. Исломов, Р.А. Холматов ва бошқалар).

Маъдан даласида иккита йирик блок ажратилади: ғарбий ва шарқий, уларнинг чегаралари Гўшсой дарёси ўзанидан ўтказилади. Ғарбий блок майдонида Шимолий-Ғарбий ва Қизилолма (Марказий) конлари, ўқ структурасида – Қизилолмасой ер ёриғи ва Междуречье кони, Қорабов ер ёриғида жойлашган шарқий блок Самарчук ва Чумаук конларини қамраб олади.

Саноат маъданлашув кварцланиш зоналарида жойлашган бўлиб, уларда маъдан таналари намуналаш маълумотлари бўйича контурланади ва, амалда, табиий чегараларга эга бўлмайди. Баъзи оралиқларда геологик чегаралар бўлиб маъданлашувни экранловчи тектоник дарзликлар, кварцланиш зоналари контактлари, «фельзит»-онгориолит дайкалари саналади.

Маъданли структурларда маъданлашувнинг жойлашуви устунсимон характерга эга. Маъданли устунлар ҳосил бўлишида бош ролни кварцланиш тизимига устама тушган зоналарнинг субпараллел ёки понасимон туташувчи томаъдан дарзликлари, маъданли структуралар, маъданлашувни экранловчи дайкаларнинг мавжудлиги ўйнаган.

Куйи қават жинслари ер ёриқлари яқинида 150-250 м чуқурликда ётади, маъданли майдон шимолида ер юзасига чиқади. Улар турли таркибдаги дайкалар ва штоксимон таналар билан ёрилган гранитлар ва сланецлардан иборат. Гранитлар – барча конлар учун типик бўлиб – ўрта донали, порфирсимон, гнейшлашган. Сланецлар – чуқур горизонтларда тарқалган кварц-серицит-хлоритли. Уларнинг таналарини кесиб ўтувчи дайкалар гранит-порфирлар, кварцли порфирлар, диоритли порфиритлардан иборат бўлиб, қалинлиги 20-25 м га боради, шимолга ётади. Барча жойда дарзлик таналари кўринишидаги эксплозив брекчиялар кузатилади. Брекчияланган фельзит дайкалари характерли.

Қизилолмасой маъдан даласида конларнинг жойлашувини кузатган Н.Ф. Рафиқов ва б. (1992) узунлиги 10 км га борувчи ягона Минераллашган зонани ажратади.

Олтинмаъданли минерализация шаклланиши хусусиятларини кўрсата туриб Н.А. Ерохин, Н.Ф. Рафиқов ва б. (1985), маъданлашув икки босқичда намоён бўлган деб санашади. Бошида кам сульфидли минерализацияга эга кварцли томирларнинг асосий массаси, кейинчалик «фельзит» дайкалар ёриб кириши билан кечган Бош маъдан назоратловчи ер ёриғи вужудга келган ва охиридагина минералларнинг маҳсулдор мажмуалари ҳосил бўлган.

«Қизилолмасой маъдан даласи олтин-кумуш конлари плутоник дайка ҳосилаларининг геологик-петрографик тавсифи» номли учинчи бобда биринчи марта маъдан даласи лампрофирлар – камптонитлар, единитлар, керсантитлар, сиенит-порфирлар ва онгориолитларнинг хусусиятлари тавсифи келтирилган.

Ўзбекистон дайка ҳосилаларини ўрганишга бағишланган кўп сонли ишлар орасида лампрофирларга кам эътибор берилган. Эҳтимол, бу ҳам минерал, ҳам кимёвий таркибига асосланган ягона таснифнинг бўлмаслигининг сабаби. Лампрофир дайкаларининг габбро, диоритлар, гранодиоритлар, гранитлар, уларнинг субишқорли турлари интрузивлари ҳамда оҳак-ишқорли, субишқорли ва ишқорли қаторидаги вулканитлар билан бирга учраши уларнинг генетик туркумлар турли-туманлигини кўрсатади. Бу «аномал» жинслар махсус гуруҳининг муҳим диагностик белгиси бўлиб темир-магнезиал минераллар (оливин, пироксен, роговая обманка, биотит) мавжудлиги ва уларнинг тоғ жинслари асосий массасида учрашидан келиб чиққан аниқ порфирли структураси саналади. Доналарнинг коррозияси ва магма суюқлиги билан ўзаро таъсири излари характерли. Порфир ажратмалари ва асосий массанинг турлича келиб чиққанлиги тахмин қилинади. Устивор қора рангли минераллар ва салик асосий масса таркиби бўйича лампрофирларнинг қуйидаги гуруҳлари ва туркумлари ажратилади: 1) амфиболли (одатдаги роговая обманка), плагиоклазли – спессартитлар ва уларнинг турлари малхитлар (афирли спессартитлар, майда донали диоритлар); единитлар (роговая обманка, авгит ва

плагиоклаз доналарига эга), амфиболли ортоклаз билан – вогезитлар; 2) слюдали (биотит) плагиоклаз билан – керсантитлар, ортоклаз билан – минетталар, мелилит билан – альнётлар; 3) пироксен – роговая обманкали (баркевикит, титанли авгит), плагиоклаз билан – камптонитлар, анальцим базисили – мончикитлар. Кимёвий таркиби бўйича кўпчилик (67%) лампрофирлар, айниқса камптонитлар ва мончикитлар ишқорли габброидлар ва базальтоидларга ўхшашлиги кузатилади. «Барча лампрофирлар кўп темир, кальций, магний, ишқорларга эгаллиги қайд этилади ва ўтаасосликка эмас, кўпроқ асосли тоғ жинсларига киради» (Петрографик кодекс, 1991, б. 107). Д.Митей ва Ф.Чейз (1969) томонидан 633 та таҳлил асосида тузилган лампрофирларнинг петрокимёвий систематикаси лампрофирларнинг минералогик фарқи кимёвий таркибида султ ифодаланганлиги тўғрисида хулосага олиб келган. «Ушбу маълумотлар мончикитлар ва камптонитларни бошқа лампрофирлардан фарқлаш, эҳтимол, ҳамда ўзларини бир-биридан фарқлаш учун етарли, аммо минетталар, вогезитлар, керсантитлар ва спессартитларни ўртача кимёвий таркиби бўйича амалда фарқлаб бўлмайди. Калийдан ташқари кузатилувчи ўртача кимёвий таркиби шунча яқинки, уларни ажратиш жуда қийин» (134-бет).

Камптонитлар кам тарқалган. Қизилолмасой маъдан даласининг жанубий-ғарбий давомида кечки карбон-эрта перм субишқорли габбро-монцодиорит-адамеллит-лейкогранитли мажмуаси адамеллитлари орасида ётади. Илгари И.В. Мушкин (1966) томонидан Қизилолмасой маъдан даласи шимолида Қорабов дарёси бошларида, перм ёшидаги қизилнура свитаси флюидал риолитларини ёриб чиқувчи кампто-мончикитларнинг дайқалари топилган. Камптонит дайқалари шимолий-ғарбий йўналишда (220°), контактларининг ётиши кескин (70°), қалинлиги 140 см, 200 м га чўзилган, 10 см гача борувчи майда апофизчаларга эга. Ангрен дарёси ўнг бетидеги интрузивларни ўрганиш материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, лампрофир дайқалари Шовозсой дарёси ҳавзасида петрографик, петрокимёвий, геокимёвий томондан уларнинг маъдандорлиги нуқтаи назаридан илгари тавсифланмаган. Шовозсой лампрофирларининг геологик ёшини биз кечки карбон монцогаббро ва адамеллитларини ёриб чиққанлиги асосида эрта перм қаблида қабул қиламиз. Мутлақ ёши эрта пермнинг сакмар асрига мос келади. Бу маълумотлар бизнинг Rb-Sr тадқиқотларимиз Қорабов дарёси ўрта оқимидаги қизилнура свитаси риолитларини ёриб чиқувчи (287 ± 4 млн. йил, $^{87}\text{Sr}/^{86}\text{Sr}$ нинг дастлабки нисбати $=0,70862$, С.С. Сайдиғаниев) мураккаб дайқалари (конга-диабаз, кварцли сиенит-порфир) бўйича олинган.

Камптонитлар кулранг, пушти-кулранг жинслардир. Уларнинг структураси порфирли, фенокриталлари, асосан, одатдаги роговая обманка, авгит ва кам микдордаги плагиоклаз – андезиндан иборат. Дайқаларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб йирик (3×6 см), майда-йирик донали ксенолитлар, оливин бор роговообманкали клинопироксенитлар, майда донали диорит-гнейслар, ўрта донали монцогаббро, йирик донали адамеллитлар ксенолитларига эгаллиги саналади. Бу тоғ жинслардан ташқари лампрофирлар кўп сонли резорблланган ксенокристаллар ва уларнинг тўпламлари – қора пироксен, роговая обманка, плагиоклаз, калийли дала шпати, кварц ва иккиламчи минераллар ажралмалари –

кальцит, хлоритга эга. Дайка жинсларининг ёндош адамеллитлар, ксенолитлар ва пироксеннинг мономинерал ажратмалари билан контакти кескин.

Эндоконтактларда дайка жинслари жуда майда донали, параллел текстура дайкалар контактлари бўйлаб ва ксенолитлар атрофида роговая обманкани кристаллари чўзиқ кристаллар мавжудлиги орқали ифодаланган. Роговая обманка, плагиоклаз ва фельдшпатоидлардан иборат бўлган йирик порфирли ажратмалар ва ксенокристаллар жуда майда заррали анальцим, лейцит, улар бўйича ривожланган псевдоморфозалар, маъданли минераллардан таркиб топган. Унинг структураси – микропорфирли, лампрофирли, гипидиоморфдонали. Тоғ жинсида кўплаб игнасимон призматик апатит кузатилади. У асосан магнетитда жойлашган ва шу ҳар иккала минерал хлорит билан цементланган. Апатит ва магнетитнинг катта миқдори роговая обманкада кузатилади, унда лейцит кристаллари ҳам учрайди.

Минералларнинг ўзаро муносабати ва жадвалда келтирилган уларнинг таркиби бўйича шуни англаш мумкинки, камптонитлар лампрофирли суюқликнинг уч босқичда кристалланишидан ҳосил бўлган: 1) титаномагнетит, магнетит, апатит – пироксен (диопсид, авгит) – роговая обманканинг йирик порфирсимон ажратмалари; 2) титаномагнетит, магнетит, апатит – роговая обманка – плагиоклаз (андезин) – псевдолейцит, анальцим майда донали порфир ажратмалари; 3) титаномагнетит, магнетит, апатит – роговая обманка (актинолит), биотит – дала шпатлари (альбит, олигоклаз, ортоклаз) ва фельдшпатоидлар (лейцит, анальцим) жуда майда донали асосий масса.

Оз сонли аниқлашда тоғ жинсида одатдаги роговая обманкадан глинозем, темир, магний, марганец, хром миқдори ортиқлиги ва титан, айниқса ишқорларнинг камлиги билан фарқ қилувчи чермакитли роговая обманка аниқланган. Бу роговая обманка, эҳтимол, ксеногенли турига мансуб.

Микроскоп ва микрозонд таҳлилларида кузатилганда анальцим ва псевдолейцит мавжудлиги роговообманкали пироксенитлар ксенолитлари ёки уларнинг резорбланишган ксенокристаллари мажмуасига боғлиқлиги аниқланди. Бу айниқса йирик ксенолит бўлаклари орасидаги бўшлиққа кирган камптонитнинг майда апофизчаларида аниқ ифодаланган. Эҳтимол, бу ерда лампрофир магмаси аномал юқори ишқорлигига олиб келган Д.С. Коржинскийнинг ишқорлик акс этиши тўлқини самараси намоён бўлган. Камптонит асосий массаси роговая обманка, плагиоклаз, фельдшпатоидлар, маъданли ва иккиламчи минераллардан (хлорит, кальцит) иборат бўлганда, магма суюқлигининг роговообманкали пироксенитларнинг ксенолитларига кирган жойларида плагиоклаз (80% гача) ва роговая обманканинг (55% гача) нисбати ўзгариши кузатилади. Кальцит, хлоритдан иборат тўпламларда сфен кристаллари аниқланган.

Роговообманкали пироксенит ксенолитларида тоғ жинслари таркиби ўзгарувчан. Уларда пироксен ўртача 35% га яқин, роговая обманка 45%, маъдан минераллари 20%. Роговообманкали пироксенитлар майда доналидан йирик доналигача, гипидиоморф донали ва сидеронит структурали.

Жинс минераллари қуйидаги кетма-кетликда ҳосил бўлган: титаномагнетит, магнетит – пироксен (диопсид, авгит) – роговая обманка (кўнғир).

Диссертацияда келтирилган микрофотографияларда пироксен, роговая обманканинг порфирсимон йирик кристаллари, плагиоклаз ва псевдолейцитнинг микропорфирли ажратмалари акс этган.

Ҳисоблаб топилган коэффицентлар бўйича метаморфик ҳосилаларга хос кескин фарқ жедритда кузатилади ва, эҳтимол, бу минерал ксеногенли.

Ксенолитдаги ва камптонитнинг ўзидаги роговая обманканинг таркиби, умуман олганда, юқорида қайд этиб ўтилган чермакитли туридан ташқари, яқин. Эҳтимол, пироксенитдаги одатдаги роговая обманка дастлабки пироксенитли ксенолитга лампрофир суюқлигининг таъсири натижаси саналади. Ксенолитнинг минерал таркиби оливин, диопсид, титанли – жедрит, авгит, роговая обманка, титаномагнетит реликтлари мавжудлиги билан характерланади. Бу чуқурликда ҳосил бўлган «қора» пироксенитлар учун хос. Бу ҳақда жинсда юқори глиноземли, ўртача темирли гранатнинг мавжудлиги бўйича фикр билдириш мумкин.

Бу лампрофир суюқлигининг ҳам, камптонитларда жойлашган пироксенит ксенолитларини ҳам чуқурлик (мантия) характери тўғрисида тахмин қилиш учун ишончли далил саналади.

Одинитлар Чотқол тизмаси Жанубий-Ғарбий тармоқларида Қуртош истиқболли майдонида биз томонимиздан аниқланди. Қалинлиги 6-8 м бўлиб, Қуртош пироксенитлар таналари контактига параллел субкенглик йўналишда чўзилган. Ёндош жинслар – пироксенитлар билан кескин контактга эга. Одинитлар тўқ кулранг тусли, зич, массив (А-11, ЗСО-13, ЗСО-14 намуналар), порфир ажратмаларида плагиоклаз, пироксен, биотитнинг майда донали тўпламлари мавжудлиги макроскопик ифодаланган.

Тоғ жинсининг асосий массаси яширин кристалли, жуда майда донали. Дайкаларнинг эндоконтант қисмида слюдали сланецлар қолдиғини эслатувчи маъданли минералларга эга бўлган линзасимон биотит ажратмалари тўплами ривожланган. Улар пироксенитли дайкалар контактига параллел мўлжалланган (А-12 намуна). Дайкада пироксеннинг гломеропорфирли тўплами ва халькопирит ҳалқаси билан ўралган хлорит ажратмалари кузатилади. Бу флюидли ажратма деб қаралиши мумкин. Майдонда одинит дайкаларида халькопирит, пирит, пирротин ва бошқаларга эга бўлган кварцли томирлар кузатилади. Одинитлар сульфидларга, айниқса дарзликлар бўйлаб пленкасимон ривожланган тўпламларга эга. Бу ерда кўзга чалинадиган минерализацияга эга бўлмаган кальцит томирлари кузатилади. Нодир металли минерализацияли пегматитлар энг кенг тарқалган.

Одинитларнинг структураси порфирли, текстураси массив. Порфир ажратмалари ўрта-йирик донали, парчаланган оливиннинг сийрак доналари, пироксен (диопсид) ва унинг гломеропорфирли тўпламларидан иборат. Сийрак таблиткали биотит доналари кузатилади. Фенокристалларда серицитлашган таблиткали плагиоклаз (андезин) ва альбит зоначалари билан ўралган олигоклаз устивор саналади. Жинс ҳосил қилувчи, аксессуар ва маъданли минералларининг кимёвий таркиби микроанализаторда аниқланган. Чўзиқ линзасимон шаклдаги слюдали ксенолитлар ажратмалари – марказий қисми маъданли минералдан иборат тўпламлар ажратилади, улар майда биотит лейстлари билан ўралган.

Эҳтимол, бу слюдали сланецларнинг реликтларидир. Пироксеннинг алоҳида кристаллари маъдан минералларга эга ва яшил роговая обманка билан ўралган. Тоғ жинсининг асосий массаси жуда майда донали, таблиткали ва призматик плагиоклаздан (устивор), роговая обманкадан иборат. Уларнинг яширин кристалли доналари оралиғи бўшлиқларида параллел мўлжалланган плагиоклаз, роговая обманка, хлоритлашган биотитнинг лейстли доначалари ва сийрак маъдан минерали кузатилади. Асосий массанинг структурасини долеритли, призматик дейиш мумкин. Роговая обманка, биотит, плагиоклаз доналар пироксен ва плагиоклазнинг порфирли ажратмаларини ўраб туради ва дайкалар контактига параллел мўлжалланган. Минерал ҳосилаларнинг кетма-кетлиги қуйидагича: порфирли ажратмаларида – маъдан минераллари – пироксен – роговая обманка – плагиоклаз; асосий массада – апатит, магнетит (маъданли минерал) – роговая обманка – биотит – плагиоклаз. Биотит билан мажмуасида сфен кузатилиб, у роговая обманкадан кейин ҳосил бўлган. Кўриб чиқилаётган лампрофирнинг характерли хусусияти бўлиб устивор бўлган порфир ажратмаларининг плагиоклаз-пироксен-роговообманкали таркиби саналади. Бунда биотит (керсантитдаги каби) роговая обманка ва асосий массадаги плагиоклаздан кескин ортиқ бўлади. Биотитнинг эҳтимолий ксеногенлигини ҳисобга олган ҳолда, магма ўчоғи флюидлашган суюқлигидан ҳосил бўлган асосли ультрабазитли жинсни биз одинит сифатида аниқладик.

Одинитлар: Mo (21-28), As (4,9-6,4); Yb (3,0-3,6) (г/т) билан бойиган. Бу жинсларда Ti, V, Co, Ni, Cu, Sc, Au, Ag, Bi, Se, Te кларк миқдоридан юқори. Одинитлар энг юқори миқдори билан ажралади (1100-1200 г/т) ва Sb (1,2 г/т) билан бойиган. Пироксенитлар ва долеритларга темир гуруҳи (Fe, Mn, Ti, V, Cr, Co, Cu, камроқ Ni) элементлари кларкларининг (2 марта ва ундан кўп) юқорилиги хос бўлиб, бу ўтаасосли магмалар учун характерли. Тоғ жинслари Sc билан ҳам зарарланган. Одинитда унинг миқдори – 38-41 г/т.

Шундай қилиб, темир ва скандий гуруҳи элементлари маъдан ҳосил бўлишининг мантия манбаси билан боғлиқ босқичини ифодалайди. Кўпчилик НЕЭ кларк миқдоридан кам. Тоғ жинслари Yb билан сезиларли бойиган ($K_k = 9,1-10,9$). Енгил НЕЭ оғирларига нисбатан кўпроқ. Одинитлар геокимёвий томондан олтин-кумуш конлари минтақаси учун маъдан туғдирувчи Au, Ag, As, Bi, Mo, Re, Se, Te ва Yb ихтисослашган.

Керсантитлар. Кўпроқ тафсилий материаллар слюдали лампрофирлар дайкалари – Қизилолмасой маъдан даласида биринчи марта биз топган керсантитлар бўйича келтирилади. Текширилган дайкалар скважиналарда очилган. Уларга ёндош бўлган слюдали сиенодиоритли порфиритлар билан ёрувчи контактга эга. Контакт яқинида тоғ жинсларининг ҳар иккала туркуми ўзгарган бўлиб, бу фемик минераллар, асосан, роговая обманка ва биотитнинг хлоритизациясида ифодаланган.

Керсантитлар қора рангли, зич, массив, порфир структурали. Макродоналари чўзиқ ($0,4 \times 10$ мм гача) ва изометрик (5 мм гача) пироксен (диопсид, авгит), роговая обманка ва улардан кўпроқ биотит ва плагиоклаз ажратмаларидан иборат. Микродоналари ҳам ўша минераллардан ва сийрак яхши қиррали мураккаб қўшолоқлари лейцит кристаллари ва парчаланган

оливиннинг қиррали кристалларидан иборат. Тоғ жинсининг асосий массаси микроналли, призматик, интерсертал.

Темирли авгит, диопсид, роговая обманкадан, асосан титанли биотит, флогопитнинг сийраки пластинкали кристалларидан ҳамда плагиоклаз (лабрадор, андезин, олигоклаз) ва ортоклаздан таркиб топган, иккинчисидан 0,84 % барий оксиди аниқланган.

Маъданли минераллардан титаномагнетит, 1,6% молибденга эга бўлган нодир-ерли апатит, кальцит ва пирит ривожланган.

Биотитнинг кам темирлилиги ва флогопитнинг юқори магнезиаллиги, Е.Н. Ушакова бўйича, лампрофирлар – керсантитлар учун хос ва уларни лава калийли слюдаларига ва ўтаасосли жинслар слюдаларига кўпроқ яқинлаштиради. Ҳ.М. Абдуллаев лампрофирларни асосли магма маҳсулотларига киритган.


Сиенит-порфирлар. Тоғ жинси гўштсимон қизил рангли, порфир структурали, зич, массив. Порфир ажратмалари барийли ортоклаз, альбит, хлорит доғларидан иборат. Асосий масса ҳам ўша минераллардан иборат ва НЕЭли кальцит, барит доналарига эга. Асосий массада альбитнинг призматик кристаллари кузатилади, ортоклаз ва кварц унинг базисини ташкил этади.

